

Мажмуада қурилиш ишлари қизғин давом этноқда...



13:02 / 03.01.2019 6223

Қиш фаслининг биринчи ойини якунлаб, январь бошидаги бироз совуқ кунларда турибмиз. Ўтган ойдаги қор-ёмғирли кунларда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоқ номлари учун барпо этилаётган мажмуада қурилиш ишлари бир лаҳзага бўлсин тўхтагани йўқ. Ҳозирда ҳам режадаги ишлар юқори суръатларда давом этмоқда.

Мажмуа таркибидаги масжидга кириш жойидаги муҳташам ички ва ташқи пештоқ тўла қуриб битказилди. Мажмуани бешиб турадиган иккита минора устига кичик гумбазлар ўрнатилди. Масжид, анжуманлар саройи, минораларнинг ташқи деворларида илк безак ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, “Сўгалли ота” зиёратгоҳи ҳам бутунлай янги қиёфада бунёд этилди. Мақбара атрофига анъанавий услубдаги бино барпо этилди. Устига муаззам гумбаз ўрнатилди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида барпо этилаётган умумий майдони 21180,0 м². бўлган мажмуа лойиҳага кўра, масжид ҳудуди намозхона, аёллар намозхонаси, таҳорат хоналари, минора, 3 та кириш пештоқи, “Сўгалли ота” мақбараси, анжуманлар саройи, ташқи ва ички фавворалар, масжид саҳни, автоуловлар учун тўхташ жойларидан иборат.

Шунингдек, Президентимиз ушбу ҳудудга музей бунёд этиш ва у ерда Шайх ҳазратларининг умр йўлига оид қимматли маълумотлар, уларнинг илмий меросини жамлаш лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Ҳудудда ўзгача чирой бахш этувчи Анжуманлар саройи, лойиҳага кўра 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий майдони 591,4 м² ташкил этади.

Муҳатарам юртдошлар! Масжид қурилиши жараёни билан давомли тарзда фотолавҳаларда таништириб борамиз.

islom.uz портали таҳририяти